

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАББОРОВА ДИЛАФРЎЗ ЭРГАШОВНА**

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ЧЎЛПОН  
ИЖОДИ ТАЛҚИНЛАРИ**  
(шеърियाи ва насрий асарлари мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Жабборова Дилафрўз Эргашовна**

Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижоди талқинлари  
(шеърятти ва насрий асарлари мисолида) .....3

**Жабборова Дилафруз Эргашовна**

Интерпретация творчества Чулпана в узбекском литературоведении эпохи  
независимости (на примере поэзии и прозы).....22

**Jabborova Dilafruz Ergashovna**

Interpretation of Chulpan's creativity in Uzbek literary criticism in the period of  
independence (on the example of poetry and prose) .....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАББОРОВА ДИЛАФРЎЗ ЭРГАШОВНА**

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ЧЎЛПОН  
ИЖОДИ ТАЛҚИНЛАРИ**  
(шеърियाи ва насрий асарлари мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Fil29 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қахрамонов Қурдош Ялғашевич**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Назаров Бахтиёр Аминович**  
филология фанлари доктори, академик

**Умунов Хотам Икрамович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz))

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс (8366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_\_» мартдаги \_\_\_\_\_ реестр рақамли баённомаси).

**М.Қ.Муҳиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**А.Б.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**Ж.Ҳ.Ҳамроев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида муайян давр адабиётида ўчмас из қолдириб, ўзига хос бадиий-эстетик анъанани бошлаб берган, йирик адибларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг дунё халқлари бадиий тафаккури тарихида тутган ўрнини белгилашнинг методологик асослари яратилган. Ғарбдаги таниқли адабиётшунослардан Ш.Сент-Бёвнинг адабиётни изчил тадрижий жараён сифатида талқин этган биографик методи ҳамда адабиётга маданият ва тарихнинг ажралмас бўлаги сифатида қараган Ипполит Тэннинг маданий-тарихий методи Европа мамлакатларида адабиётшуносликнинг ривожланиши ва такомиллашиб боришига замин яратди. Бу адабий методлар кейинчалик адабий жараён ҳамда адибларнинг ижод йўлини илмий асосда текширишнинг янгича адабий-эстетик принциплари шаклланишига асос бўлди.

Ҳозирги замон жаҳон адабиётшунослигида маданий-тарихий, қиёсий-типологик, тарихий-биографик, герменевтик, руҳий таҳлил каби етакчи тадқиқот методларининг изчил такомиллашуви натижасида бадиий тафаккурнинг тадрижий ривожи билан боғлиқ илмий концепциялар янгиланди. Бу эса дунё халқлари адабиёти, жумладан, ўзбек адабиёти тараққиётида муҳим ўрин тутган бадиий-эстетик анъаналарни замонавий адабиётшуносликнинг турли тадқиқот методлари асосида системали ўрганишдан иборат истиқболли йўналишни бошлаб берди. Натижада адабиёт тарихида чуқур из қолдирган улуғ адабий сиймолар ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар яратилди.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, XX асрнинг 20-30 йилларида яшаб ижод этган, М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, А.Авлоний, А.Фитрат, А.Қодирий, А.Чўлпон сингари жадид адабиётининг атоқли намояндалари ҳаёти ва илмий-ижодий меросини жаҳон адабиётшунослиги контекстида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Миллий ўзликни англашга бўлган эҳтиёж Абдулҳамид Чўлпон сингари атоқли адибларнинг ижодий меросини халққа қайтариш, унинг бадиий асарларини излаб топиш, нашр этиш, янгича нуқтаи назардан ўрганиб қайта баҳолаш, чўлпоншунослик бўйича ҳам кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш заруратини юзага келтирди. Зеро, «...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, истиқлол даври адабиётшунослигида қодирийшунослик ва фитратшунослик соҳаларида чуқур тадқиқотлар амалга оширилгани каби чўлпоншунослик бўйича ҳам янгича илмий концепцияга асосланган фундаментал монографик тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалар сирасидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондиди ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ-1292-сонли Қарори, 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4794-сонли Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 18 апрелдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги ПҚ-28-29-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чўлпон ижоди ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг тадқиқ объектига айланган эди. 20-йилларнинг биринчи ярмида В.Маҳмуд, А.Саъдий, А.Қодирий каби адабиётшунос ва адиблар Чўлпон ижодини ижобий баҳолашган бўлса, 1927 йилдан бошлаб Айн (Олим Шарафиддинов) бошлаб берган мафкуравий-синфий ёндашув 1980-йилларнинг иккинчи ярмига қадар давом этди. Бу даврда Чўлпон шахсига «миллатчи» ва «халқ душмани» каби тамғалар босилди, унинг асарларини ўқиш, у ҳақда гапириш тақиқланди. XX асрнинг 80-йиллари охирида бошланган янгича қарашлар, бадий тафаккурдаги илиқ эпкинлар Чўлпон ижодига ҳам холис муносабатда бўлиш имконини яратди. Ўзбек жадид адабиётининг етук намояндалари қатори Чўлпон ижоди ҳам ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ хорижлик адабиётшуносларнинг эътиборини тортган эди. Шу боис, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Туркия ва бошқа давлатларда унинг ижоди ҳақида мақолалар чоп этила бошланди. Бу мақолаларнинг аксарияти дастлаб шўро сиёсати қатағонидан қочиб, чет элларга кетиб қолган юртдошларимиз тарафидан ёзилган бўлса-да<sup>2</sup>, кейинчалик хорижлик олимлар ҳам жадид адабиёти намояндаларига, жумладан, Чўлпон ижодига катта қизиқиш билан қарай бошладилар. Бу жараён, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг изчил тус олди. Америкалик Э.Олворт, Э.Наби, Х.Мурфи, олмониялик И.Балдауф ва бошқаларнинг тадқиқотларида Чўлпон ижоди ҳам ўзига хос йўсинда тадқиқ этилганлиги ҳамда жадид адабиётини холис баҳолашга қаратилгани билан характерлидир.

Сўнгги йиллар ўзбек адабиётшунослигида хориж олимларининг жадид адабиётига оид илмий изланишларини тадқиқ этувчи алоҳида йўналиш вужудга келмоқда. З.Мирзаеванинг «XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши»<sup>3</sup> мавзусида ёзилган докторлик диссертацияси шулар жумласидандир. Олима тадқиқотининг асосий қисми юқорида номлари тилга олинган америкалик олимларнинг илмий изланишлари таҳлилига бағишлангани билан аҳамиятлидир.

<sup>2</sup>Бу ҳақида қаранг: «Türk Tarihinin Kahramanları: 50-Abdülhamid Süleyman Çolpan», Orkun, Sayı 114, İstanbul, 2007.

<sup>3</sup>Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши: Филол. фан.док. дис... (DSc) авт. – Тошкент, 2017.

Истиклол даври ўзбек адабиётшунослигида алоҳида ижодкор ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилди. Адабий танқиднинг муайян йўналишлари, жумладан, тадқиқот мезонларига оид қарашларнинг янгиланиши, таҳлил ва талқин муаммосини тадқиқ этувчи диссертация<sup>4</sup>, монография<sup>5</sup>, дарслик ва ўқув қўлланмалари<sup>6</sup> юзага келди. Адабиётшуносликнинг Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва Абдулла Қаҳҳор ижодига муносабати масаласи илмий асосда махсус тадқиқ этилди. Мустақиллик йилларида Абдулҳамид Чўлпон асарларини тубдан янгича баҳолаш жараёни бошланди. Унинг ижодий фаолияти бўйича О.Шарафиддинов, Н.Каримов, А.Расулов, Б.Каримов, Д.Курунов, Қ.Қаҳрамонов каби олимларнинг тадқиқотлари чоп этилган бўлса-да, бу ижодкор фаолиятига бағишланган адабий-илмий манбалар чўлпоншунослик тарихи аспектида махсус монографик йўсинда тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг «Замонавий ўзбек адабиётида жанрлар спецификаси» мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот ишлари ҳамда ФА-Ф1-Г040 рақамли «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» (2012–2016 йй.) номли фундаментал лойиҳа таркибида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижодининг назарий ва амалий масалалари қандай тадқиқ этилганини ўрганиш, ижодкор маҳоратини очишда қўлланган концептуал ёндашув ва методларнинг илмий аҳамиятини асослаб беришдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Чўлпон ижодини янги илмий концепцияларга кўра тадқиқ ва талқин этишнинг илмий-назарий асосларини аниқлаш;  
адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир илмий манбалар ва талқинларнинг ишончлилиги ва асосланганлигини кўрсатиш;

---

<sup>4</sup>Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси: Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 1993; Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 1996; Содиков С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид: Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 1997; Жумаҳўжа Н. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII–XIX асрлар ўзбек шеърини асосида: Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 1999; Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари (60-70-йиллар): Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 2000; Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси: Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 2002; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 2002; Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқидининг жанрий таркиби: Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 2008. Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти: Филол. фан. ном. дисс... – Тошкент, 1993; Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан: Филол. фан. ном. дисс... – Тошкент, 1993; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати: Филол. фан. ном. дисс... – Тошкент, 1998; Қаҳҳоров Т. 20-30-йиллар ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши: Филол. фан. ном. дисс... – Тошкент, 2004; Мирзаева З. Ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши: Филол. фан. ном. дисс... – Тошкент, 2006;

<sup>5</sup>Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006; Каримов Б. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 2006; Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари. – Тошкент, 2009. Аҳмедова Ш. Адабий танқидчилик жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008; Аҳмедова Ш. Мактубот ва адабий танқид. – Тошкент: Фан, 2005; Аҳмедова Ш. Адабий танқидчилик жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008.

<sup>6</sup>Сафаров О, Йўлдошев Б, Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи (қўлланма). – Тошкент, 2003; Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги (қўлланма). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004; Назаров Б, Расулов А, Қаҳрамонов Қ., Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқиди тарихи (дарслик). – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2012.

чўлпоншуносликдаги назарий ёндашув ва тадқиқ усулларнинг аҳамиятини белгилаш;

Чўлпон шеърятининг таҳлил ва талқинларида шоир поэтик маҳорати қай даражада акс этганини илмий жиҳатдан асослаш;

адиб ҳикоялари ва «Кеча ва кундуз» романи таҳлиliga бағишланган тадқиқотларда қўлланилган метод ва ёндашувлар асосида янги назарий қарашларининг шаклланиш жараёнини ёритиш;

чўлпоншуносликка оид тадқиқотларнинг мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигида тутган ўрни ва аҳамиятига баҳо бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** XX асрнинг 80-йиллар сўнгги чораги ва мустақиллик даври адабиётшунослиги, адабий танқидчилигида Чўлпон ижодига бағишланган мақолалар, тадқиқотлар.

**Тадқиқотнинг предмети.** Тадқиқот мавзу доирасига қамраб олинган даврларда яратилган адабий-танқидий материалларда Чўлпон ижоди талқини, йўналишларини текшириш ишнинг предмети ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-типологик, тарихий-маданий, биографик, герменевтик ва руҳий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Чўлпон ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишда умумбашарий ғоялар ва миллий қадриятлар нуқтаи назаридан баҳолаш, жаҳон адабиётшунослигига ҳосил ғор ёндашув ва методлар асосида тадқиқотлар олиб бориш, истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигининг асосий хусусиятлари сифатида белгиланган;

Чўлпон ижодига доир ижтимоий-эстетик ва биографик талқинлар шоир шеърятининг бадиий юксаклиги, образлилиги, рамзийлиги, поэтик серқатламлиги ҳамда давр руҳини ифодалашдаги муҳим ўрни очиб берилган;

Чўлпон ижодига оид турли баҳс-мунозаралар қиёсий аспектида таҳлилга тортилиб, истиқлол даври адабиётшунослигида юзага келаётган ижобий тенденция – ҳурфикр (плюралистик) илмий қарашлар сифатида далилланган;

«Кеча ва кундуз» романининг Ф.Кафка ва А.Камю романлари билан қиёсий-типологик таҳлили умуминсоний ғоялар Чўлпон асарининг жаҳон романчилигида тутган юксак мавқени кўрсатувчи омиллар сифатида ёритилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

истиқлол даврида Чўлпон ижодини ўрганишнинг замон руҳига мувофиқлиги, услубий асослари ва чўлпоншуносликни талқин этишнинг асосий тамойиллари шакллантирилган;

Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган монографиялар, адабий-танқидий мақолалар сўнгги давр адабиётшунослигида Чўлпон ижодига оид янги йўналиш вужудга келаётганини асословчи манба экани очиб берилган;

тадқиқ этилган манбалар истиқболда адабиётшунослик ва адабий танқид бўйича илмий тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмалар яратиш учун бой манба бўлиб хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг биографик ва герменевтик талқинлар билан, ёндашув ва тамойилларни белгиловчи манбаларнинг қиёсий-типологик таҳлиллар билан асосланишида кўринади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар, аввало, адабиётшунослик ва танқид назариясини бойитилишига хизмат қилади. Шу билан бирга, жаҳон адабиётшунослигидаги илғор назарий илмий қарашлар билан бойитилган ҳолда истиқлол даврида шаклланган замонавий руҳдаги илмий тафаккурнинг фалсафий, бадиий-эстетик ва илмий назарий асосларини мушоҳада қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги хулоса ва тавсиялардан адиблар ижодини замон руҳида талқин қилишда, шунингдек, олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар яратиш, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун махсус курслар ўқиш, БМИ ва курс ишларини тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Истиқлол даври адабиётшунослигида Чўлпон ижодини ўрганишнинг янгиланган илмий-назарий асосларини, етакчи тамойилларини аниқлаш, шоир ижодини жаҳон адабиётшунослигига хос илғор методлар асосида тадқиқ этишнинг илмий ва амалий натижалар асосида:

Чўлпон ва ўзбек адабиётининг тараққиёти, «Кеча ва кундуз» романининг қиёсий-типологик талқинига доир хулосалардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ФА-Ф1-Г040-рақамли «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 15 декабрдаги ФТА-02-11/1307-рақамли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини қўллаш шоир шеърини ва насри поэтикасини маданий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик ва структурал методлар асосида тадқиқ этишни умумлаштириш ва аниқлаштиришга хизмат қилган;

тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўтказётган турли адабий-маърифий тадбирларда, хусусан, Чўлпон насри, услуби ва бадиияти масаласига доир илмий-амалий семинар материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2017 йил 5 декабрдаги 01-03/1065-сон маълумотномаси). Натижада Чўлпон ижоди замонавий руҳда талқин этилган диссертацияда илгари сурилган хулосалар орқали ўзбек танқидчилигининг янги босқичга кўтарилаётганлиги кўрсатиб берилган;

истиқлол йилларида ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида шаклланган замонавий руҳдаги илмий-назарий қарашлар, шу жумладан, Чўлпон ижодига оид адабий-танқидий материаллардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» телеканалининг «Унутилмас сиймолар» ва «Дунё адабиёти» кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган, кўрсатувлар тадқиқотчи томонидан тавсия этилган фикрлар билан бойитилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 1 мартдаги 01-01/122-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатувларнинг илмий далилларга бой бўлишини таъминлаган ҳамда Чўлпон ижодининг кенг тарғиб қилинишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 12 та мақола, шундан 8 таси республика ҳамда 4 таси хориж журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Истиқлол йилларида Чўлпон ижодини ўрганишнинг асосий йўналишлари**» номли биринчи бобининг «Чўлпон ҳаёти ва ижодини ўрганиш босқичлари» деб аталган илк фаслида ўтган асрнинг 80-йилларида вужудга келган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ҳам янгиланишлар бўй кўрсата бошлагани таҳлиллар билан асосланган.

Адабий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар жараёни зиддиятли, қарама-қаршилиқлар гирдобидида кечган бир шароитда, яъни 80-йиллар охири ва истиқлол арафасида Чўлпон адабий меросини халққа қайтариш учун миллатпарвар адабиётшунос ва танқидчилардан журъат билан қатъий кураш олиб бориш талаб этиларди. Чунки уни «миллатчи», «пантуркист», «халқ душмани», дея қоралаб келганларнинг давомчилари ҳали ўз мавқеларини бериб қўймаган, ҳукмрон мафкуранинг ишончи ва мададидан фойдаланиб, прогрессив кучларга тўсиқ бўлишдан чекинмаган эди. Ана шундай мураккаб даврда, яъни 1987 йилда жадид адабиёти, хусусан, Фитрат ва Чўлпон адабий меросини ўрганиш ва чоп этиш бўйича махсус комиссия тузилган эди. О.Шарафиддинов «Чўлпонни англаш» мақоласида бу комиссиянинг фаолияти ҳақида ёзар экан, шоир асарлари, айниқса «Кеча ва кундуз» романини чоп эттириш борасидаги қатор қийинчиликларга батафсил тўхталади.

Мақолада атоқли олим Марказкомдаги мажлисда (1987 йил 7 февраль) айрим ёзувчи ва адабиётшунослар Чўлпон ижодининг нашр қилинишига қарши туришгани, «Кеча ва кундуз» романини «Шарқ юлдузи» журналарида чоп эттиришдаги қийинчиликлар, сўзбоши ёзишда марказком талабини бажаришга мажбур бўлгани ҳақидаги эътирофлар баён этилган.

Атоқли олимнинг ушбу эътирофи ва иқрорида биз янгича илмий тафаккурнинг қай тарзда юзага келгани, адабиётшунослик ва танқидчиликдаги

янгилашиш жараёни қандай мураккабликлар орқали амалга ошиганига гувоҳ бўламиз. Айни пайтда олим дунёқарашида, адабий-эстетик принципларида туб эврилишлар ҳам ана шу янгилашишларнинг негизини ташкил этганини, мунаққид шахсидаги ўзгариш Чўлпон ижодий меросини янгидан англашда муҳим омил бўлганини кузатамиз. Демак, давр тақозоси замонда, мустабид тузум шароитида юз бера бошлаган янгилашиш адабий жараёндаги ривожланишга туртки берган ва пировард натижада адабиётшуносликда, танқидчиликда Чўлпон ижодини ўрганишнинг янги даври бошланишига замин ҳозирлаган.

Шўро тузуми инқирозининг сўнгги йиллари (1987–1991 йиллар) ана шундай саъй-ҳаракатлар авж олган давр сифатида ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги тарихидан ўрин олди. Бу давр адабиётшунослиги олдида Чўлпон ижодини ўрганиш, ижодий меросини халққа қайтариш борасида бир қатор ишлар амалга оширила бошлади: жумладан, Чўлпон шахси, ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотларни халққа етказиш; Чўлпон адабий меросини тўплаш ва чоп этиш; Чўлпон ҳақида унга замондош бўлган маърифатпарвар зиёлилар хотираларини чоп этириш орқали шоир ҳақида маълумотлар етказиш; Чўлпонга оид архив материалларини нашр этириш орқали у ҳақида атрофлича маълумотлар бериш; Чўлпон асарларини тадқиқ этувчи янги-янги тадқиқотларга йўл очиш; Чўлпоннинг янги ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрнини белгилаш ва тарихий ҳақиқатни қарор топтириш ва ҳ.к.

Диссертацияда О.Шарафиддиновнинг «Чўлпон», «Чўлпонни англаш» ва Н.Каримовнинг «Чўлпон ҳаёти ва ижоди», С.Мамажоновнинг «Бизнинг Чўлпон» номли рисолалари, Д.Курошовнинг «Чўлпон ҳаёти ва ижоди» номли қўлланмаси, «Рухий дунё талқини», «Чўлпоннинг бадиий олами», «Чўлпон дунёси» каби кўплаб мақолалар тўплами, етук адабиётшунослар ва мунаққидларнинг матбуотда чоп этилган мақолалари таҳлилга тортилиб, бу тадқиқотларга хос бўлган муштарак хусусиятлар илмий жиҳатдан асосланди.

Ушбу бобнинг **«Чўлпоншуносликдаги янги босқич ёхуд тарихий-маданий ёндашув»** деб номланган иккинчи фаслида чўлпоншунос олим Н.Каримовнинг «Чўлпон» (2003) маърифий романи таҳлили орқали шоир таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонлангандан кейин Чўлпон ижодини ўрганишнинг навбатдаги босқичи бошланганлиги асослаб берилган.

Адабиётшуносликда тарихий-маданий таҳлил методига асосланган йўналиш XVIII асрда Ғарбий Европада пайдо бўлган ва унинг асосчиси француз адабиётшуноси Ипполит Тэн ҳисобланади. Унинг «Санъат фалсафаси» асарида ҳар қандай жанрда ёзилган асарда, биринчи галда, бирор-бир миллатнинг тарихи ва маданияти, муайян даврдаги ривожланиш йўллари акс этиши таъкидланади. Унинг беш жилддан иборат «Англия адабиёти тарихи» номли фундаментал тадқиқотининг кириш қисмида ҳам маданий-тарихий методнинг моҳияти кенг ёритилган. Бу асар «адабиёт орқали» ёритилган инглиз ирки ва тамаддунининг тарихидир. ...Тэн кўпроқ умумий ва миллий қонуниятлар билан қизиқади. Позитивизмнинг содиқ тарафдори, натуралистик назариянинг асосчиларидан бири сифатида Тэн санъатда, худди фанда бўлганидек, ўзи таянадиган мустаҳкам

асосларга қурилган системани қидиради»<sup>7</sup>. Маданий-тарихий методларга асосланган тадқиқотларга хос муҳим жиҳатлардан бири – унда тадқиқотчи халқнинг руҳий дунёсига, тарихий ҳаётининг турли босқичларига эътибор қаратиши билан изоҳланади. Маданий-тарихий метод тарафдорларидан бири С.Ренаннинг фикрича, «Ҳомернинг асарлари эмас, балки Ҳомер даври ҳаёти, инсоният умрининг Ҳомер томонидан акс эттирилган босқичларининг ўзи гўзалдир»<sup>8</sup>.

Юқорида келтирилган, умуман, маданий-тарихий методга оид таъриф-тавсифлар, назаримизда, истиқлолдан кейинги даврда яратилган бир қатор «маърифий» атамаси билан аталган асарларнинг структурасини, ёзилиш усули, тили ва бошқа илмий-бадиий жиҳатларини тушунишга ёрдам беради. Зеро, бу асарлар тарихий мавзуда ёзилган соф бадиий асарлардан илмийлигининг бўртиб кўриниши ва публицистик талқиннинг етакчилиги билан фарқланади. Бундай асарлар муайян хронологик тизимга асосланган бўлиб, уларда муайян тарихий, адабий фигуранинг сиймоси илмий-бадиий аспектда яратилади. Шу хусусиятларига кўра, бундай асарлар бадиий ижод намунаси эмас, балки илмий ижод намуналари сифатида тадқиқ этилади.

Тасвир ва талқин объектига маданий-тарихий ёндашувда муаллифнинг (аксарият муаллифлар тарихшунос, адабиётшунос ёки бирор-бир соҳа мутахассиси бўлиши шу билан изоҳланади) илмий салоҳияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. У қаҳрамони таржимаи ҳолига доир барча сана ва тарихий далилларга, уларга оид манбаларга тадрижий-хронологик нуқтаи назардан ёндашади. Шунга кўра маърифий романларда тарихийлик, илмийлик ва бадиий-ғоявий концепция бўртиб кўринади ва мазкур жанрнинг ўзига хос тури сифатида намоён бўлади. Бу турдаги асарларга хос хусусиятларни биз Н.Каримовнинг «Чўлпон» номли маърифий романида кўрамиз.

Бу асар эълон қилингандан кейин адабиётшуносларнинг у ҳақдаги тақриз ва мақолалари босилди, романнинг ютуқ ҳамда камчиликлари айтилди. Б.Қосимов ва С.Содиқнинг «Чўлпон» романига бағишланган тақризларида асарни маърифий роман эмас, балки илмий очерклар тўплами, эссе-роман сифатида тавсифлаш ўринли экани айтилди<sup>9</sup>. Академик Б.Назаров ва Ш.Аҳмедова қаламига мансуб «Миллатнинг ҳассос олими» рисоласида ҳам асар ҳар томонлама таҳлилга тортилиб, унинг эссе-роман жанрига мансублиги асосланган<sup>10</sup>. Дарҳақиқат, Н.Каримовнинг эссе-романида Чўлпон сиймоси, ижоди, ҳаёти талқинларида илмийлик етакчи, бадиий тўқималар, муайян сюжетга қурилган воқеалар тасвири, тўқима образлар унчалик кўзга ташланмайди. Шу маънода Наим Каримовнинг эссе-романида маърифийлик кучли. Чўлпоннинг илмий-бадиий сиймосига хос чизгилар, шоир ҳаёт йўлининг ижтимоий-хронологик баёни берилади, у яшаган давр ва ўша давр кишилари қатъий тарихий-ижтимоий аспектда ёритилади. Ушбу етакчи хусусиятлар «Чўлпон» асарининг муаллифи тасвир объектига маданий-тарихий аспектда ёндашганини кўрсатади.

<sup>7</sup>Зинченко В.Г. и др. Методы изучения литературы. – М., 2002. – С.58.

<sup>8</sup>Йўлдошев Қ, Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2015. – Б. 354.

<sup>9</sup>Содиқов С. Ижоднинг ўтгиз лаҳзаси. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 182-193.

<sup>10</sup>Назаров Б., Аҳмедова Ш. Миллатнинг ҳассос олими. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 102-106.

Ушбу фаслда «Чўлпон» романи тўрт аспектда таҳлил қилинди: биринчидан, Чўлпон шахси, ижтимоий-сиёсий дунёқарашининг шаклланиши; иккинчидан, Чўлпоннинг шоир сифатидаги қиёфасининг илмий-бадиий талқинлари; учинчидан, Чўлпоннинг ёзувчи сифатидаги қиёфасининг илмий-бадиий талқинлари ва тўртинчидан, Чўлпоннинг ижтимоий-сиёсий сиймосига оид талқинлар.

«Чўлпон» романи улуғ шоир ҳақида битилган турли жанрдаги асарлар, унинг ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган илмий рисола ва монографиялар, хотира ва ёдномалар орасида ҳам илмийлиги ва ҳам оммабоплиги билан ажралиб туради. Чунки бу асарда Чўлпон яшаган давр, бу даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, халқ турмуши, биринчи жаҳон уруши, февраль ва Октябрь тўнтаришларининг Туркистон ҳаётига, зиёлилар дунёқарашига кўрсатган таъсири, охир-оқибат алданган, хўрланган халқнинг мард ўғлонлари олиб борган тенгсиз курашлар – барча-барчаси Чўлпон қисмати призмаси орқали талқин этилган. Унда жуда кўп далиллар, манбалардан фойдаланилган. Энг муҳими эса, Н.Каримов Чўлпон ижодининг бадиий-эстетик тадқиқидан, шоирнинг бадиий образини яратишдан тийилиб, бу улкан ва долзарб мавзуга маданий-тарихий аспектда ёндашиб, тўғри усулни танлагани эътироф этилди.

Диссертациянинг «**Адабиётшуносликда Чўлпон шеърляти талқинлари**» деб номланган иккинчи бобининг «Чўлпон шеърлятининг ижтимоий-эстетик ёндашув принциплари» номли дастлабки фаслида сўнгги давр адабиётшунослигида Чўлпон шеърларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, мавзу кўлами ва етакчи концепциясини ижодкор шахси, дунёқараш ва ижтимоий фаолияти билан боғлаб талқин қилингани ўрганилди. Ўрганиш жараёнида шоир шеърлари таҳлилда ижтимоий-эстетик, тарихий-биографик ёндашувдаги талқинлар етакчилик қила бошлагани асосланди.

Шоир ижодига янгича ёндашувнинг илк босқичларида асримизнинг икки фаол мунаққиди – О.Шарафиддинов ва Н.Каримовнинг Чўлпон шеърляти ҳақидаги кузатишларида, давр руҳиятидан келиб чиқиб, кўпроқ ижтимоий ҳаёт билан, замон билан уйғун тарзда ёндашилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳол ижтимоий-эстетик таҳлил шоир шахсияти ва дунёқарашини белгилаш, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг дастлабки босқичи учун характерли ҳол эканлигидан далолат беради.

Чўлпон шеърларининг ижтимоий-эстетик талқини ҳақида гап кетганда биринчи галда «Бузилган ўлкага» шеърига оид талқинлар ёдга тушади. О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Э.Каримов, С.Мамажонов каби таниқли чўлпоншунослардан тортиб, З.Эшонова, Н.Йўлдошев каби ёш олимлар ҳам бу шеърга эътибор қаратишган. Бу шеърнинг олимларимиз томонидан қилинган турлича талқинлари мавжуд. Лекин барчаси учун умумий бўлган хусусиятлардан бири шеърни ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган воқеалар силсиласи билан боғлаб таҳлил этишда намоён бўлади. О.Шарафиддинов ва Н.Каримов шеърни миллатчилик ва миллатпарварлик, ватанпарварлик тушунчалари билан боғлаб талқин этишади. Сабаби, мазкур шеър ўз даврида шоирни миллатчиликда айблашга асос бўлган шеърлардан бири эди. Шу боис, О.Шарафиддинов «Чўлпон миллатчи эдими?», «Шеърда миллатчилик ғоялари акс этганми?» каби масалаларга эътиборни жалб қилади. Таҳлил жараёнида эса шоирнинг миллатчи

эмас, балки миллатпарвар юрт фидойиси эканини асослаб беради. Н.Каримов талқинида эса Чўлпон ҳақиқий ватанпарвар шоир сифатида намоён бўлади.

Мунаққид Чўлпоннинг ўлкада содир этилган фожиали воқеаларга бефарқ бўлолмаганини, рўй бераётган қон тўкишлар, босмачиликка қарши кураш шиори остида бечора халқ бошига солинаётган қора кунлар шоирнинг шўро ҳукуматида бўлган эътиқодининг сўнишига ва шу тариқа «Бузилган ўлкага» типидаги шеърларнинг яратилишига замин тайёрлаганини айтади. Чўлпон шеъри ҳар қандай куллик занжирларини парчалаб ташлашга қаратилган бўлиб, халқни ҳурликка даъват этувчи асар сифатида талқин этилади. «Чўлпон ўз ижоди билан юртдошларининг халқ сифатида шаклланиши учун курашади. Унинг улуғлиги ва фожиасининг илдизлари худди шундадир»<sup>11</sup>, деб олим ўз фикрларини хулосалайди.

Чўлпоншунос З.Эшонова эса «Бузилган ўлкага» шеърининг яратилишини 1917 йилдаги Октябрь тўнтариши ва ундан кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар фонида таҳлилга тортади. Чўлпоннинг дастлаб Октябрь инқилобини қувонч билан кутиб олганлиги, унга катта умид билан қараганлигини ёзар экан, лекин кейинчалик Туркистон мухториятининг Тошкент ва Қўқонда шафқатсизларча бостирилиши, шўро ҳукуматынинг қатағон сиёсати унинг умидларини сўндирганини таъкидлайди. Айни шундай воқеалар Чўлпон ижодида бурилиш ясайди ва «Бузилган ўлкага» шеъри яратилади. Мунаққид бу шеърни ватан ҳақидаги энг мардона шеър, деб баҳолайди. Шеърнинг дастлабки байтини шеър мазмунини очувчи тилсимга қиёслайди. Олима шеърнинг ғоявий мотивлари ватан, юрт озодлиги ғоялари билан суғорилганлигини айтиш билан бир қаторда, поэтик хусусиятларига, образлар тизимига ҳам тўхталиб, ижтимоий-эстетик таҳлилнинг ўзига хос намунасини яратади. Шеър мазмунининг тарихий воқелик билан қай даражада алоқадорлигини ўша даврда рўй бераётган воқеалар ёки чоп этилаётган мақолалар фонида ёритишга ҳаракат қилади. Чунончи, «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 109-сонида босилган «Шўролар даврими, мустамлакачилик даврими?» номли бош мақолада кўрсатилган большевикларнинг маҳаллий халққа нисбатан қилаётган зуғумларини ҳамда бошқа манбалардаги шу мазмундаги фактлардан иқтибослар келтириб, шеър мазмунининг ижтимоий-реалистик асосларини кўрсатади. Айни пайтда реал воқеликка асосланган бу каби тасвирлар шеърда «қуюқ қора булут», «кўланка», «кўм-кўк гўзал ўтлоқ», «сор бургут» каби кўплаб поэтик образ ва тимсоллар орқали ифодаланишини шоирнинг маҳорати сифатида талқин этади. Бу эса Чўлпон шеърларининг таҳлилида ижтимоий, бадий-эстетик, қиёсий-тарихий, биографик талқинлар бир бутун ҳодиса сифатида комплекс ёндашувнинг ўзига хос намуналарига айланганини кўрсатади.

Ушбу бобнинг «Чўлпон шеърларининг тарихий-биографик таҳлили» номли иккинчи фаслда чўлпоншунос олимларнинг шоир шеърларини тарихий-биографик ёндашув асосида амалга оширган талқинлари, жумладан, Н.Каримовнинг «Истиқлолни уйғотган шоир»<sup>12</sup> номли рисоласи тарихий-биографик ёндашувнинг ўзига хос намунаси сифатида таҳлилга тортилди. Бир

<sup>11</sup>Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 1991. – Б. 47.

<sup>12</sup>Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 88 б.

неча бўлимдан ташкил топган ушбу рисолада шоирнинг айрим шеърлари биографик характерга эга эканлиги, уларнинг яратилиши, кимга ёки нимага аталгани, қандай воқеалар асосида яратилганлиги таҳлиллар билан кўрсатилган. Шу жиҳатдан «Раҳматулла Султонов» номли бўлимда шоирнинг «Кетдинг» радифли марсиясининг яратилиш тарихи характерли. Н.Каримовнинг ушбу биографик талқини бугунги кун китобхони учун шахси номаълум бу шеър мазмунини теран тушуниш учун асос бўлиб хизмат қилади. Рисоладаги Вадуд Маҳмуд, Боту, Абдулла Алавий, Саид афанди каби бир қатор Чўлпонга замондош шахслар ҳақидаги мақолаларда ҳам Чўлпон ижодий фаолияти ва асарларининг яратилиш тарихи мазмун-мундарижасига хос бўлган биографик талқинларга дуч келамиз.

Рисоланинг «Рух манзаралари» номли қисмида эса Чўлпоннинг шахсий турмуш тарзи, ҳаёт йўлида учраган Моҳирўё, Обида, Солиҳа каби умр йўлдошлари билан кечган кечмиши, муваффақиятсизлигини акс эттирувчи шеърлар таҳлилга тортилади. Бу каби шеърларда шоир севгисидаги муваффақиятсизликлар ишқий дарс сифатида тасвирлангани Чўлпон таржимаи ҳолининг алоҳида бир саҳифаси сифатида ёритилади. «Табиат манзаралари», «Тил манзаралари» номли фаслларда ҳам Чўлпон шеърларининг латофати, поэтик маҳорати ва тилдан фойдаланиш санъати айрим шеърини намуналари таҳлили орқали кўрсатиб берилади.

Сўнгги даврда Чўлпон шеърларининг, хусусан, «Гўзал» шеърининг турли хил талқинлари юзага келди. Таниқли чўлпоншунос олим О.Шарафиддинов «Гўзал» шеъри ҳақида: «Бу шеърда ёрнинг гўзаллиги ғоят нафис ифодаланган – у тушда ҳам, ўнгда ҳам, оққа кўмилганда ҳам, кўмилмаганда ҳам бениҳоя гўзал, у юлдуздан-да, ойдан-да, кундан-да гўзал, ҳатто ой ҳам, юлдуз ҳам, кун ҳам унга ҳавас қилади, унинг қаршисида ўзларига ўзлари хунук кўриниб кетишади, андишага тушишади, уялишади... Бундай шеърлар ҳар қандай одамга руҳий бардамлик бахш этади, унинг қалбини шаффоф нурларга чулғайди, алланечук енгил торттиради»<sup>13</sup>, деб ёзган бўлса, Н.Каримов шеърдаги гўзални «аёл қиёфасидаги нафосат» дея таърифлайди ва лирик қаҳрамон (шоир)нинг бедор кечинмалари ушбу нафосатни кўмсаш туйғуси эканига урғу беради. Мунаққид фикрича, шеърдаги маъшуқа ҳаётдаги реал аёл тасвири бўлмай, балки афсонавий хислатларга эга илоҳийлашган дилбар тимсолида келади.

О.Шарафиддинов ва Н.Каримовнинг шеър ҳақидаги дастлабки муштарак қарашлари – асар унинг соф лирикага оид шеър сифатида тавсифланишидир. Мунаққидлар шеърдаги нафосат оламига йўғрилган лирик кечинмани, поэтик образ ва ифодадаги жозибани шоир поэтик маҳорати сифатида баҳолайдилар. Ҳар икки мунаққид фикрига кўра шеърдаги гўзал – «маъшуқа» илоҳийлашган ёр тимсолида келади. «Севгилисининг бунчалар гўзаллиги эса ошиқни – ер одамини (таъкид бизники – Ж.Д.) алланечук хавотирга солади»<sup>14</sup>. Н.Каримов фикрича эса, шоир «...номаълум дилбарнинг бу илоҳийлашган образи орқали илоҳийлашган севги қиссасини яратишга эришди»<sup>15</sup>.

<sup>13</sup>Каримов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 42-43.

<sup>14</sup>Шарафиддинов О. Чўлпон. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 43.

<sup>15</sup>Каримов Н. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 50.

Шунга монанд хулосаларни адабиётшунос олим Ҳ.Умурувнинг «Қаландар ишқи», ғазали таҳлиliga бағишланган «Энг катта шоир» ишқи» номли мақоласида ҳам кузатамиз<sup>16</sup>.

Энди иккинчи қараш – шеърдаги гўзалнинг миллий озодлик рамзи эканлиги ҳақидаги талқинларга эътиборни қаратсак. «Гўзал» шеърининг бундай талқинини адабиётшунос Д.Қуроноунинг «Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси» номли қўлланмасида кўрамиз. Олим Чўлпоннинг бир қатор шеърларини давр билан, шоир ҳаёти ва дунёқарашига оид манбалар билан бир бутунликда таҳлил этади, таҳлилда биографик методдан фойдаланганига урғу қаратади. Олим мулоҳазаларига биноан, «...конкрет асарни «текст» деб оладиган бўлсак, унинг мазмун-моҳияти фақат «контекст»дагини тўла намоён бўлиши мумкин»<sup>17</sup>. Ушбу қарашлар асосида шеър маъноси иккига – зоҳирий ва рамзий-ботиний маъноларга ажратилади. Унга кўра, зоҳирий мазмунда мумтоз адабиётимизга хос анъанавий севги-муҳаббат мавзуси куйланган бўлса, рамзий маъносида... «маъшуқа» Чўлпон учун миллий озодлик рамзи эди, шу боис ҳам шоир уни бошқа ҳамма нарсадан устун кўяди»<sup>18</sup>.

Бундай қарашлар Й.Солижоновнинг «Зулматдан нур қидирганлар»<sup>19</sup> номли қўлланмасида, И.Ёрматовнинг «Чўлпон шеърлятида коннотация қудрати»<sup>20</sup> номли мақоласида ҳам кузатилади.

Диссертацияда ушбу таҳлилларнинг шеър матни билан қай даражада боғлангани масаласи ўрганилиб, таҳлиллар асосида О.Шарафиддинов ва Н.Каримов қарашлари қўллаб-қувватланади ва Чўлпоннинг ҳар бир шеърини ижтимоий мазмунидангина келиб чиқиб таҳлил қилиш баъзан нотўғри хулосалар чиқаришга ҳам олиб келиши мумкинлиги кўрсатилади.

Диссертациянинг «**Чўлпон насри поэтикасини тадқиқ этиш усуллари**» номли учинчи бобининг «Адибнинг ҳикоянавислик маҳорати таҳлилидаги ўзига хосликлар» деб номланган биринчи фасли Чўлпон ҳикоялари талқинига бағишланган.

Сўнги давр адабиётшунослигида Чўлпон насри ҳар томонлама ўрганилмоқда, тадқиқ ва талқин этилмоқда. Хусусан, унинг ҳикоянавислик маҳорати адиб ҳаёти ва ижодига доир чоп этилган рисола ва қўлланмаларда, мақола ва тадқиқотларда алоҳида ёритилган, у ёки бу тарзда муносабат билдирилган. Айниқса, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, С.Мамажонов, Н.Владимирова, Д.Қуронов, М.Шарафиддинова, Ш.Тўйчиева каби олимлар Чўлпоннинг насрий асарларини ижтимоий-психологик, бадиий-эстетик, қиёсий-типологик, структурал-семантик таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда таҳлилга тортишган ва шу тариқа адабиётшунослигимизда янги-янги таҳлил йўналишларининг мукамаллашувига ўз ҳиссаларини қўшишган.

<sup>16</sup>Умурув У. Таҳлил чизгилари. Тошкент. Muhammadir, 2013. – Б. 26-28.

<sup>17</sup>Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 30.

<sup>18</sup>Қуронов Д. Кўрсатилган асар. – Б. 30.

<sup>19</sup>Солижонов Й. Зулматдан нур қидирганлар. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 65.

<sup>20</sup>Ёрматов И. Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш: тарих, тажриба ва технология. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Баёз, 2014. – Б. 57-60.



Адибнинг ҳикоя яратиш маҳорати таниқли олима Н.Владиминова кузатишларида ўзига хос талқинга эга. Фаслда олиманинг «Клеопатра Чўлпон талқинида», «Чўлпон – ҳикоянавис» каби мақолалари таҳлилга тортилиб, ижтимоий-психологик, бадий-эстетик ёндашувлар асосида адиб маҳоратини ишонарли тарзда кўрсатишга эришгани таъкидланади. «Клеопатра» ҳикояси таҳлилида ушбу рамзий-фалсафий йўсиндаги ҳикоянинг пафоси, сўзи, мусиқаси, ифодаси, ўхшатиш ва истиоравий қувватида катта адибларга хос хусусиятнинг мавжудлиги ҳақидаги кузатишлари ёритилади.

